




ХАВАРС



ЎТМОЙИ-
СИЙОСИЙ
ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан
чида бошлаган

**TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI
— O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI
NASHRI**



**Қонунларимизни бозор
муносабатлари
ривожланишининг ҳозирги
даврадаги янги реал ҳолатидан
келиб чиқиб, жиддий қайта
кўриб чиқиш зарур**



**«Кредит Стандарт банк»
томонидан маҳаллий ноозик-
овқат истеъмол товарлари
ишлаб чиқаришга 7193,9
млрд. сўм миқдорда
кредитлар ажратилди**



**Экологларнинг таъкидлашича,
XXI асрда амфибияларнинг учдан
бир, сут эмизувчиларнинг эса
тўртдан бири қисми йўқ бўлиб
кейтиш арафасидадир**

2011 йил 7 июль, пайшанба
27 (399)-сон,
E-mail: axborot@xlasr@yahoo.com

03 **КОНЦЕПЦИЯ**

06 **ИҚТИСОДИЁТ**

07 **ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

Фракция янги қонун лойиҳалари муҳокамасига киришди

**Олий Мажлис Қонунчилик
палатасида «Рақобат тўғрисида» ва
«Кредит ахбороти алмашинуви
тўғрисида»ги қонун лойиҳалари
биринчи ўқишга тайёрлана
бошланди**

Айни пайтда палата кўмиталари ҳамда сиёсий партиялар фракцияларида Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган таклифлар ва устувор вазибалар асосида янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар томонидан парламентга киритилаётган қонун лойиҳалари кўмиталарда назарий-техник жиҳатдан тақомиллаштирилаётган бўлса, фракцияларда ҳар бир сиёсий партия ўз электорати манфаатини ана шу қонун лойиҳаларида акс эттиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, биринчи ўқишда маъқулланган «Тугатишга доир иш юритишининг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатларини тезлаштиришга йўналтирилган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси хусусида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. О'зLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашларича, айни пайтда партия электорати учун ниҳоятда муҳим саналаётган «Рақобат тўғрисида» ва «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам қизгин муҳокама жараёнидан ўтмоқда.

3 >>>



Истиқлол нуридан баҳраманд диёр

**20 йил — кўҳна тарих олдида бир лаҳзадек гап. Аммо тарих фақат вақт билан эмас,
балки муайян бир мuddатда амалга оширилган улғувор ишлар билан ҳам ўлчанар экан.**

Истиқлол йилларига назар ташласак, бунга амин бўламиз

Гўзал ва бетакрор диёримизнинг барча худудларида бўлганидек, ўтган даврда Самарқанд ҳам қадимий қадриятларини тиклаш баробарида улкан юксалиш йўлини босиб ўтди. Бугун воҳага ташриф буюриб, унинг шаҳар ва қишлоқларини зиёрат қилганлар бу сўзларда муболага йўқлигига амин бўлади. Истиқлолнинг илк йиллари-

даёқ Юртбошимиз ташаббуси билан муборак қадамжоларни обод қилиш, қадимий обидаларни қайта тиклаш ишларига алоҳида эътибор қаратилгани туфайли буюк ҳадиснавис бобомиз Ал-Бухорийнинг ҳожи пойи қайта тикланиб, йирик мажмуага айланган. Айни пайтда ушбу маскан дунё аҳли, айниқса, мусулмонлар учун азиз қадамжоб бўлиб қолди. Шоҳи-Зинда ёдгорлик

мажмуаси, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси, Регистон майдони, Гўри Амир мажмуаси, Бибиҳоним ансамблидаги Жомеъ масжиди ва Бибиҳоним мақбараси, Рухобод каби кўтлуг даргоҳларнинг ободонлаштирилгани ҳам Самарқандни том маънодаги замин сайқалига айлантирди. — Истиқлолнинг дастлабки йилларида МДХ давлатлари

орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда архитектура ва шаҳарсозликка оид мукаммал қонунлар ишлаб чиқилди, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Тўрақулов. — Улар асосида Шарқ тамаддуни бешиги бўлган Самарқандни ривожлантиришнинг 2025 йилгача мўлжалланган бош режаси тайёрланиб, марказий қўчалар

кенгайтирилди, ички йўللар қайтадан қурилиб, атрофлари кўкаламзорлаштирилди. Замонавий турар жой бинолари, коллеж ва лицейлар, меҳмонхоналар, турли-туман савдо нуқталари, маданий-маиший иншоотлар қадимий шаҳар кўрғига кўрк қўшиб, янада улғуворлик бахш этди.

2 >>>



Биринчи ўринга сертификат ва ноутбук

Жорий йилнинг 1 июлидан 31 августга қадар республикамизда «Маҳалламизни янада обод қилайлик» кўрик-танлови бўлиб ўтади. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ахборот хизмати хабарига кўра, ССП, шунингдек, БМТнинг Тараққиёт дастури ваколатхонаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамига бағишлаб, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган танловда иштирокчилар уч йўналиш бўйича ўзаро беллашадилар. «Энг яхши бизнес-лойиҳа» номинацияси ғолибига ноутбук ва лойиҳани қисман молиялаштириш имконини берувчи грант сертификати топширилади. «Энг яхши инновацион гоя» ва «Энг «тоза» лойиҳа» номинацияларида биринчи ўринни олганларга эса, тегишли равишда ноутбук ва нетбук топширилади. Кўрик-танлов ташкилотчиларининг таъкидлашича, ҳай'ят аъзолари лойиҳаларни баҳолаш жараёнида асосий эътиборни атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, маиший чиқиндиларни назорат қилишга қаратадилар.

«Ўз-Ханву» рақобатга тайёр

Мамлакатимизда «General Motors Uzbekistan» ЁАЖ автомобиллари учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ахборот хизматидан хабар қилинишича, Андижон шаҳрида ташкил этилган «Ўз-Ханву» кўшма корхонаси Асакадаги заводга автомобилларни шовкиндан ихоталайдиган (шумоизоляция) мосламалар етказиб бермоқда. Маълумотларга кўра, «Ўзавтосаноат» ҳамда «Hanwoo Global» (Жанубий Корея) компанияларининг тенг улушлари асосида таъсис этилган, қисқа фуурсатда қурилиш-монтаж ишлари қўйилган, маҳсулот тайёрлана бошланган «Ўз-Ханву» ҚК МЧЖда айни пайтда 98 нафар киши меҳнат қилмоқда.

ННТ ёрдами билан 121 та янги иш ўрни яратилди



«Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилотининг вилоят бошқаруви раиси Дилшод Отабоевнинг таъкидлашича, 2011 йилда «Наманган вилоятининг қишлоқ жойларида ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш» лойиҳаси ҳаёта изчил татбиқ этилмоқда. Унда қишлоқ жойларида яшовчи 330 нафар ёш йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш кўзда тутилган эди. Аммо қизиқувчилар сони 411 нафардан ошиб кетди. — Қувонарли томони шундаки, тренинг машғулотларида қатнашганларнинг 32 нафари ўз корхоналарини ташкил этишга муваффақ бўлиб, жами 121 та янги иш ўрни яратилди. Хусусий корхона ташкил этганлардан 4 нафарига «Микрокредитбанк» томонидан кредит маблағлари берилди.

БУГУНГИ СОНДА:

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспиналнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарияти масс-медияни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шуниси қувонарлики, мамлакатнинг барча худудларида хусусий телерадиокомпаниялар ташкил этилмоқда ва ОАВда ишлаш учун ёш журналистларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

04 >>>

Холис фикр

РОССИЯЛИК ЭКСПЕРТЛАРНИНГ
РОҒУН ГЭСИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Ечим оқилона бўлмоғи керак

Халқаро экспертлар ва мутахассислар Роғун ГЭСи қурилиши Марказий Осиё давлатлари учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги мавзусини кенг муҳокама қилишда давом этмоқдалар. Хусусан, Россия сиёсий конъюнктура маркази мутахассислари «Народное слово» газетасида чоп этилган «Роғун ГЭСи — минтақа учун ҳалокатдир» номли мақола ҳақида ўз фикрларини баён қилишди. Унда Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дараёларнинг сув захираларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ долзарб масала кўтарилган

«Мазкур муаммо, — дейилад мақолада, — Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича турли лойиҳалар пайдо бўлгач, янада кескинлаш-

ди. Бундай қурилишлар гоёяси бундан қирқ йилча муқаддам юзага келган бўлиб, бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

2 >>>

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 5 ИЮЛДАН
БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
статистик ва бошқа ҳисобларнинг юритиш, шунингдек, божхона ва
бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан
қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари ↑ 1841,46
1 Англия фунт стерлинги ↑ 2760,47
1 Дания кронаси ↑ 334,28
1 БАА дирҳами ↑ 467,43

1 АКШ доллари ↑ 1716,82
1 Миср фунти ↑ 288,11
1 Исландия кронаси ↑ 15,05
1 Канада доллари ↑ 1788,91

1 Хитой юани ↑ 265,60
1 Малайзия ринггити ↑ 572,08
1 Польша злотийси ↑ 632,44
1 СДР ↑ 2747,60

1 Туркия лираси ↑ 1065,82
1 Швейцария франки ↓ 2024,55
1 ЕВРО ↑ 2454,12
1 Жанубий Корея вони ↑ 16,15

1 Япония енаси ↑ 212,71
1 Россия рубли ↑ 61,64
1 Украина гривнаси ↑ 215,36

Истиқлол нуридан бахраманд диёр

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Муҳаббат РАВШАНОВА,
Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI ASR»**

Ўтган йилларда улкан қурилиш майдонига айланган Самарқанд шаҳрида бир пайтнинг ўзида 520 та иншоотда бунёдкорлик ишларининг олиб борилгани мамлакатимиз қудратидан нишонадир. Ана шу иншоотларнинг 140 таси янгидан қурилди. Қисқа муддатларда 10 дан ортиқ кўп қаватли бино, 80 га яқин савдо ва хизмат кўрсатиш объекти, 50 дан зиёд ижтимоий, 20 та маъмурий ва 144 та кўп қаватли уй-жой иншоотлари қад ростлади.

Янги қиёфа касб этган кўча ва майдонларга қрим қарагайи, каштан, бутасимон ҳамда мевали дарахтлар экилди. Шаҳар ҳудудига 2011 йилнинг ўзидагина жами 11500 тулдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, 170 минг тул гул кўчати ўтказилди. Мустиқлигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан катта ёшдаги ҳар бир фуқаро 20 тулдан ниҳол экди.

Айни кунларда Самарқанд шаҳрида бош режа асосида айланма йўл қурилиши қизгин давом этмоқда. У ишга туширилгач, кўшни вилоят ва туманларга ўтувчи автотранспорт воситалари қатнови учун катта қулайлик яратилади.

Таъкидлаш жоизки, бугун вилоятнинг барча туманларида ҳам бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қишлоқлар ҳуснига хусн қўшмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тўғрисида 2010 йили 650 та оила ана шундай замонавий уйларга кўчиб ўтди. Жорий йилда вилоятнинг барча туманларида яна 695 та шинам уй-жой бунёд этилади.

— Натижалар ҳам яратилган шарт-шароитга мос бўлмоқда, — дейди Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азамат Умаров. — Ўтган давр мобайнида ўқитувчилар ўртасида ўтказилаётган республика кўрик-танловларида вилоятдан 71 нафар педагог ғолиб ва совриндорлар сафидан қўй олди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган педагогик йўналишлар бўйича бир қатор грантларни қўлга киритдик.

Таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани тўғрисида вилоятда айни пайтда 172 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида 36 та янги мактаб қурилди. 294 та мактаб реконструкция қилинди, 280 таси капитал таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда қурилаётган 6 та умумтаълим мактаби мустақиллигимизнинг 20 йиллик қўлтуғ байрами кўни ўз ўқувчиларини бағрига олади.

Ўтган давр мобайнида Самарқандда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилди. Айни пайтда 3 млн. нафардан зиёд аҳолига 574 та даволаш-профилактика муассасаси, 499 та амбулатория ва 8 та хусусий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир.

Мустиқлигимизнинг муборак 20 йиллик тўйига муносиб ҳозирлик кўраётган-



Юртбошимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тўғрисида 2010 йили 650 та оила ана шундай замонавий уйларга кўчиб ўтди. Жорий йилда вилоятнинг барча туманларида яна 695 та шинам уй-жой бунёд этилади.

лар орасида O'zLiDeP электротани ташкил этувчи минглаб тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз ҳам борлиги ниҳоятда қувонарлидир. Айни пайтда 19 минг нафарга яқин сафдошларни бирлаштириб турган партия вилоят ташкилоти, унинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги депутатлари Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишохотларда қизгин иштирок этиб, аҳолини мамлакатимиз рағнаки йўлида янада фаол бўлишига даъват этмоқда. Улар орасида 2991 нафар тадбиркор, 2234 нафар фермер O'zLiDeP ғояларини амалга оширишда барчага ўрнатилган кўрсаткичларга эришган тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, 2011 йилга келиб бу рақам 40923 тадан ошиб кетди. Партия томонидан қўллаб-қувватланаётган электротар вакиллари эришаётган муваффақиётлар эса мамлакатимизда исчи амалга оширилаётган ишохотлар O'zLiDeP дастурий ғоялари билан ҳамоханг эканининг амалдаги ифодасидир.

— Фаолиятимизни жорий йил аввалида бошлагандик, — дейди «Пастдарғом тикувчи» МЧЖ раҳбари Одил Ме-

лиев. — Қисқа вақт ичида 11 ёшгача бўлган болалар учун трикотаж кийимлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан хорижага экспорт қилаялмиш. Одил ака сингари эндигина иш бошлаганларнинг аксарияти Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мулкдор мақомига эга бўлган замондошларимиз эканини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Самарқанд туманидаги «Зулфия» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари, O'zLiDeP фаоли Фурқат Узоров эса 13 йиллик тадбиркорлик тажрибасига эга. У етакчилик қилаётган корхонада дастлаб ишчилар коржомаси, кўрпа-ёстик, кўрпача, чойшаб, ишчи кўлоқлари, тиббиёт ходимлари учун халатлар тайёрланган бўлса, кейинроқ гимнастика тўшамалари, яккакураш гиламлари каби олти турдаги спорт анжумларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу кунларда корхона ўз фаолиятини янада кенгайтириб, ёғочни қайта ишлаш, замонавий мебеллар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилган.

1995 йилда иш бошлаган, бугун нафақат туман, балки вилоятда ҳам кўзга кўринган

корхоналардан бири — «Стеклопластик» МЧЖда спорт трикотаж кийимлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан хорижага экспорт қилаялмиш.

Одил ака сингари эндигина иш бошлаганларнинг аксарияти Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мулкдор мақомига эга бўлган замондошларимиз эканини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Самарқанд туманидаги «Зулфия» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари, O'zLiDeP фаоли Фурқат Узоров эса 13 йиллик тадбиркорлик тажрибасига эга. У етакчилик қилаётган корхонада дастлаб ишчилар коржомаси, кўрпа-ёстик, кўрпача, чойшаб, ишчи кўлоқлари, тиббиёт ходимлари учун халатлар тайёрланган бўлса, кейинроқ гимнастика тўшамалари, яккакураш гиламлари каби олти турдаги спорт анжумларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу кунларда корхона ўз фаолиятини янада кенгайтириб, ёғочни қайта ишлаш, замонавий мебеллар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилган.

1995 йилда иш бошлаган, бугун нафақат туман, балки вилоятда ҳам кўзга кўринган

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Баъзи кўшни мамлакатлар эса халқаро ҳуқуқ меъёрларини писанд қилмаган ҳолда, табиий сувга мулк ёки товар сифатида қарамоқда ва бунда атрофдаги мамлакатлар манфаатларини сира ҳисобга олмасдан, Ўрта Осиёдаги барча мамлакатлар экологик муаммоларни янада чуқурлаштиришапти».

Россиялик экспертлар ҳам Марказий Осиёдаги сув-энергетика масалаларини ечимига доир худди шундай қарашларни илгари сурмоқдалар. Ҳозирги кунда сувдан фойдаланиш ва сув хавфсизлиги борасида адолатли тизимни вужудга келтирмасдан туриб, минтақада барқарор ва тадрижий ривожланишга эришиш бўлмаслигини ҳеч ким инкор этмайди.

Сув захиралари танқислиги яқин келажакда, ҳатто нефть ва газга бўлган эҳтиёждан ҳам кучлироқ бир даражага кўтарилиши Евроосиёдаги кўпгина ҳудудлар учун ҳозирнинг ўзида кундай равшан бўлиб қолаяпти. Марказий Осиёда сув масаласи анчадан буён ҳаётий масала ҳисобланади. Бу ерда сув муаммоси минтақадаги барча мамлакатларнинг ва Россиянинг ҳам манфаатларига бевосита таъсир кўрсатувчи яққол геосиёсий масала тусини олмоқда.

Россия сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича эксперти Евгений Войконинг фикрича, бугунги кунда Марказий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлаш, шак-шубҳасиз, терроризм ва нарқобизнесга қарши кураш каби глобал муаммолар қаторида ўрин олмоқда. Мана шу сабабга кўра, халқаро жамоатчилик (нафақат экспертлар, балки сиёсатчилар ҳам) Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ равишда юзага келаятган вазиятга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мақолада адолатли равишда кўрсатиб ўтилганидек, Марказий Осиё ҳудудидagi сув-энергетика лойиҳаларининг энг муҳим ўзига хос жиҳатларидан бири уларнинг трансегаравий характерга эгаллигидир. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада давлатлараро зиддият ва кескинликларнинг муқаррар кучайишига олиб келади. Бундай муаммолар барча манфаатдор томонларнинг хоҳиш-иродаси сўзсиз инобатга олинган ҳолда ҳал қилиниши зарур. Акс ҳолда, энергетика билан боғлиқ равишда чуқурлашаётган инқирознинг олдини олиш

амри маҳол. Роғун ГЭСи қурилиши масаласига кескин тус берадиган яна бир ҳолат шундан иборатки, сув захиралари учун кураш озиқ-овқат тақчиллиги бўлиши оқибатида ҳамда озуқа етиштиришнинг арзон манбааларини излашнинг тобора фаоллашуви таъсирида янада кучаяди. Бундай шароитда Марказий Осиёдаги трансегаравий дарёларнинг сув захиралари фақат икки томонгагина тегишли эмас, балки янги, минтақалараро миқёсдаги муаммага айланади.

ўртасида, Дунай дарёси бўйича Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатда самара бермоқда. Мазкур битимлар сув йўллари, гидроэнергетика соҳасидаги эҳтиёжларга хизмат қилапти, сув ёқасидаги давлатлар қишлоқ ҳўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини аниқ квоталаш усули қўлланилишини таъминлаётди.

Роман Косигин трансегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш бўйича жаҳон тажрибаларини синчковлик билан ўрганиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё трансегаравий дарёларига доир баҳс-

Россия сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича эксперти Евгений Войконинг фикрича, бугунги кунда Марказий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлаш, шак-шубҳасиз, терроризм ва нарқобизнесга қарши кураш каби глобал муаммолар қаторида ўрин олмоқда. Мана шу сабабга кўра, халқаро жамоатчилик (нафақат экспертлар, балки сиёсатчилар ҳам) Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ равишда юзага келаятган вазиятга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари — мамлакат бюджетининг муҳим даромад манбаларидан биридир. Бундан ташқари, бундай маҳсулотлар миллий экспортда етакчи ўринни эгаллайди ва озиқ-овқат товарлари тақчиллиги кучайиб, мамлакат аҳолисини тез суръатлар билан олиб бораётган бир вазиятда иқтисодий барқарорликнинг сақланиб қолишини кафолатлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, иккинчи муҳим бир муаммо — мазкур масалани Тошкент ва Душанбега мақбул тарзда ҳал этишга кўмаклаша оладиган яна бир томоннинг самарали аралашувини таъминлаш билан боғлиқ вазифа юзага келади.

Ушбу минтақада кўп бор хизмат сафарига бўлган ва маҳаллий шарт-шароитни обдан ўрганган мутахассис, юридик фанлари доктори, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мустақил эксперт Роман Косигин шундай эътибор билан қўйди: «Мен гидроиншоотлар қурилиши масаласида Ўзбекистон позициясини муқоф қўллаб-қувватлайман. Айниқса, трансегаравий дарёлардаги сув омборларида тўғонлар қурилиши, албатта, халқаро экспертизадан ўтказилиши барча сувдан фойдаланувчи томонлар учун ҳам, экологик талаблар нўқтаи назаридан ҳам мақбул йўлдир».

Эксперт таъкидлаганидек, бу борада халқаро конвенциялардан ташқари, самарали қўллаб-қувватланган давлатлараро ва минтақавий битимлар ҳам мавжуд. Бундай ҳўжжатар Буюк кўл ҳудуди бўйича АҚШ ва Канада ўртасида, Колорадо дарёси бўйича АҚШ ва Мексика ўртасида, Нил дарёси бўйича Судан ва Миср

мунозараларда тезроқ халқаро ҳуқуқ меъёрларига ўтиш маълул, деган таклифи баён этади.

Россия Фуқаролик телевизионидеи бош муҳаррари мараат Хайруллин ўз мақоласида муаллиф позициясини тўла қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, «Роғун муаммоси, бу фақат Тожикистоннинг ички масаласи эмас, негаки, Марказий Осиё, ифодали қилиб айтганда, экологик ўзгаришларни ўта сезилгик билан ҳис этадиган минтақа ва ўйланмай қилинган ҳар бир аралашув глобал бўҳронларга олиб келиши мумкин».

— Утмишда бундай ҳолатлар рўй берган — лоақал Орол денгизини ёдга олайлик. Роғун ГЭСининг қурилиши ҳам тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши муқаррар. Боз устига, минтақада сувдан фойдаланиш мувозанати бузилади, миллионлаб одамлар тирикчилик манбаларидан маҳрум бўлади. Бундан ташқари, қутилаётган техноген хавф-хатарнинг даражаси ҳам ниҳоятда юқори — тўғон сейсмик ҳолати ниҳоятда барқарор бўлган жойда қад ростламоқда, — дейди журналист.

«Шунингдек, тўғон қурилишининг сифати ҳам мутахассисларда жиддий саволларни туғдирапти. Қолаверса, Роғун ГЭСи пудратчилари ва қурилиш ташкилотлари орасида коррупция энг хатарли даражаларга кўтарилганлигини ҳам кўпдан-кўп далиллар тасдиқлайди. Бундай ҳолатларнинг барчаси бирлашиб, жаҳон миқёсидаги техноген ҳалокатни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас», дея ўз фикр-мулоҳазаларини аюналайди Марат Хайруллин.

Манба: www.cpkp.ru

Самимий мулоқотдан — амалий ишларга

Бухоро шаҳар ҳокимлигида «Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳўжжатлар ва комплекс чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини маҳаллий давлат ҳокимиятлари ва тадбиркорлик субъектларига етказиш» мавзусида мулоқот ташкил этилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Саидов, Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Мусаев, Марказий банк департаменти директори А.Сайфуллаев, Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Сатторов ва бошқалар кичик бизнес имкониятларини янада ошириш, хусусий ишлаб чиқарувчилар ва барча тадбиркорларнинг экспортдаги улушини кўпайтириш, солиқ ҳамда банк-кредит муносабатларини тартибга солиш, тадбиркорлар дўч келаятган муаммоларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган галдаги вазифалар хусусида тўхталдилар.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мулоқот ташкилотчилари томонидан атрафлича жавоб берилди.

«Ўқтам-Ко»нинг эътибори экспортга қаратилмоқда

2010 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Энг намунали солиқ тўловчи» деб топилган мазкур корхона асосан жунни ювишга ихтисослашган. Айни пайтда жамоада 10 киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили корхона томонидан тўланган ягона солиқ миқдори 39,7 миллион сўм, хорижга маҳсулот жўнатиш ҳисобидан тўланган давлат божи эса 148 миллион сўмни ташкил этди. Шу кунларда корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишчи-хизматчилар сонини 25 нафарга етказиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда.

Вафоев 6,5 миллиардни кўзламоқда

«Хоразм ипаги» акциядорлик бирлашмаси раиси ўринбосари М.Вафоевнинг таъкидлашича, бу йил пиллакорларга тарқатилган 35206 кўти ипақ куртининг 12 мингтадан ортигини толаси узун ва бақувват хориж зотлари ташкил этган. Бундан ташқари, Тошкент, Навоий ва Кўқон шаҳарларидаги ихтисослаштирилган корхоналардан ҳам сара уруғликлар олиб келинган.

— Кўрилган чоралар ижобий натижалар бера бошлади, — дейди М.Вафоев. — Масалан, ўтган йили бир дона пилла оғирлиги ўртача 1,5 граммни ташкил этган бўлса, бу йил улар тахминан 1,7 грамм тош босмоқда.

«Хоразм ипаги» вакилининг маълум қилишича, 2010 йилда тармоқ вакиллари 3 миллиард сўм даромад кўрганлар. Жорий йилда эса бу кўрсаткич қарийб 6,5 млрд. сўмга етказилади.

Фракция янги қонун лойиҳалари муҳокамасига киришди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

ЭЛЕКТОРАТ МУДДАТ ҚИСКАРТИРИЛИШИНИ ТАЛАБ ЭТАЯПТИ

— «Тугатишга доир иш юриштиришнинг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатларини тезлаштиришга йўналтирилган «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси амалдаги мuddатларни қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг кредитор-

ларнинг биринчи йиғилишини суд мажлисига камидан ўн кун мuddатда ўтказиш лозимлигини назарда тутувчи 10 ва 71-моддаларига ўзгаришлар киритилмоқда. Амалдаги қонунда кредиторлар йиғилиши баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни беш кун ичида ҳўжали судига топшириш ҳамда суднинг йиғилиш материаллари билан танишиши учун яна беш кун ажратилган

бўлса, янги қонун лойиҳасида судга йиғилиш баённомасини топширишга икки кун, суднинг материаллар билан танишиши учун эса уч кунгача мuddат берилаяпти. Бошқача айтганда, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинганидан кейин кредиторларнинг йиғилиши билан суд мажлиси ўртасидаги мuddат икки мартага қисқаради ва жами беш кунни ташкил этади. Шунингдек, банкрот-

лик тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатини янада мақбуллаштириш мақсадига ҳам ўзгариш киритилмоқда. Унга кўра, ҳўжалик суди мажлисида банкротлик тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш банкот деб топиш ҳақидаги ариза қабул қилинганидан бошлаб икки ойга қисқартирилиши тақлиф этилмоқда. Ҳозир бу мuddат уч ойдан иборат.



Мухаммаджон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



Гуллом ОМОНКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши электротимиз манфаатига тўла мос келади. Чунки банкрот корхоналарни тугатиш мuddатининг қисқартирилиши корхоналар мол-мулкни потенциал мулкдорларга имкон қадар тезроқ сотиш имконини беради.

Амалдаги қонун ҳужжатларида банкрот деб эътироф этилган корхоналарнинг реализация қилинмаган мол-мулкни қабул қилиш бўйича суд бошқарувчилари тақлифига кредиторлар томонидан жавоб бериш мuddати чекланмаган эди. Шунинг учун ҳам кредиторларнинг банкрот корхоналарни тугатишдаги жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида лойиҳада уларнинг

тегишли қарор қабул қилишлари учун ўн кунлик мuddат белгиланмоқда. Шунингдек, «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 143-моддасига биноан, кредиторлар реализация қилинмаган мол-мулкни қабул қилиши рад этган тақдирда бу мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти бир ой мuddатда ўз балансига олиши зарур. Эндиликда бу мuddатни ҳам 15 кунга қисқартириш тақлиф этилаёпти.

Бир сўз билан айтганда, қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар сотишга қўйилган объектларнинг ойлаб эгасиз қолишига барҳам бериши билан бирга, тадбиркор ва ишбилармонлар вақтини тежашга ҳам хизмат қиладди.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Ислом КАРИМОВ

— «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳасида кўзда тутилган асосий мақсад кредит ахбороти алмашинуви тизимидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, унинг ҳуқуқий базасини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва албатта, битимлар тузишда томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда АКШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Япония ва Хиндистон каби мамлакатларнинг кредит ахбороти алмашинуви со-



Кобилжон ТОШМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

ҳасидаги қонунчилиги таҳлил қилиниб, ижобий томонлари инобатга олинди. Бугун амал қилинаётган кредит ахбороти алмашинуви тизимида фақат банкларнинг иштироки таъминланган эди, холос. Молия соҳасидаги бошқа субъектларнинг, жумладан, микрокредит ташкилотлар, кредит уюмлари, ломбардлар, лизинг ва сўғурта компанияларининг кредит ахбороти алмашинувидаги имконияти эса чегараланган. Агар янги қонун лойиҳаси қабул қилинса, бу борадаги мувоzanат тикланиши баробарида кредит бозорини рақобатнинг ошиши тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳам қамралиши мумкин.

КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ ТИЗИМИ ТАДБИРКОРГА ФОЙДА КЕЛТИРИШИ КЕРАК

Маълумки, Жаҳон банки томонидан 34 та давлатнинг кредит ташкилотлари тажрибаси ўрганилганда, кредит ахбороти алмашинуви тизими жорий этилишининг ижобий таъсири натижасида 50-60 фоиз респондентларда операциялар харажатларнинг 25 фоизгача камайиши, кредитларни расмийлаштириш мuddати эса кескин қисқаришига эришилган. Бундан ташқари, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг тақомиллаштириши иқтисодиётда кредитлаш ҳажмининг ошишига ҳам мустаҳкам замин яратади.

Мазкур тизимнинг O'zLiDeP электорати учун самарадорлиги шундаки, бу улар фаолиятини моли-

ялаштириш имкониятини бир неча мартага оширади. Белгиланган шартларни ўз вақтида бажарган мижозга қисқа мuddатда кредит олиш учун шароит яратиш ўрта синф вакиллари фаолиятини янада мустаҳкамлашнинг асосий омилларидандир. Ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, банк таваккалчиликларини ҳам камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, банклар ва қарз олувчиларнинг молия-кредит интизомини мустаҳкамлайди. Шу боисдан ушбу тизимнинг қонунчилик асосларини яратиш ва уни қабул қилиш долзарб масалалардан биридир.



Шавкат ТЕШАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

да муҳим бўлиб, шу турдаги хизматларнинг ривожланиши бандлик даражаси ҳамда аҳоли реал даромадлари ошишининг асосий омилларидан биридир. Уларни тўлақонли кредит ахбороти билан таъминлаш эса кичик бизнесни кредитлаш, банклар, микрокредит ташкилотларга кредит буортмаларини қайта ишлаш мuddатларини қисқартириш ва кредитлар қайтасилишнинг олдини олишга хизмат қиладди.

Айни пайтда Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти, Ўзбекистон Банклар ассоциациясида эса Банклараро кредит бюроси фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар

қилувчи ахборотларга жуда катта эҳтиёж сезади. Уни, мижоз фаолияти — янги кредит тарихи, бошқа банклардан қарздорлиги, ўчинчи шахслар кафолати, корхона ва бошқарувчилар малакаси тўғрисидаги ишончли ахборот ҳар иккала томон учун бирдек муҳимдир. Бундай маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланади, мижоз эса қисқа мuddатда маблағ олишни хоҳлайди. Кредит ахборот алмашинуви тизими бундан дунёда мана шундай зарур туфайли юзага келган.

Озод РАЖАБОВ
тайёрлади

— Президентимиз Концепциясида белгилаб берилганидек, демократик бозор иқтисодиёти либераллаштириши янада чуқурлаштириш йўналишида 10 дан ортиқ янги қонунлар ишлаб чиқирилиши, қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши бевосита O'zLiDeP электорати манфаатига тўла ҳамоҳангдир. Хусусан, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши молия-банк тизимидаги иқтисодиётлар из-

чиллигини кафолатлаш баробарида тадбиркорлар имкониятларини ҳам кенгайтиради. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда тижорат банклари билан бир қаторда микромуволиявий хизматлар кўрсатуви кредит уюмлари, ломбардлар каби нобанк кредит ташкилотлари ҳам иқтисодий иқтисодиётнинг фаол иштирокчиларига айланди. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада жами 209 та нобанк кредит ташкилоти, хусусан, 116 та кредит уюмлари, 35 та микрокредит ташкилоти ва 58 та ломбард фаолият кўрсатаяпти. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларимизни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдирмоқда. Ҳозирдаги қонунчиликнинг қисқартирилган мuddатлари билан тўлдирмоқда. Ҳозирдаги қонунчиликнинг қисқартирилган мuddатлари билан тўлдирмоқда. Ҳозирдаги қонунчиликнинг қисқартирилган мuddатлари билан тўлдирмоқда.

ТАХРИРИЯТДАН: Ҳақиқатан ҳам бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг асосий эътибори Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик иқтисодиётни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар — демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш бўйича қонунчилик ташаббусларининг ижросига қаратилган. O'zLiDeP фракцияси аъзолари эса иқтисодиётнинг мантки ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш ва либераллаштириш бугун муҳокама қилинаётган қонунлар асосини ташкил этаётганини таъкидламоқдалар. Бу яна бир бор фракция аъзоларининг Концепция талаблари асосида электорат манфаати йўлида изчил ишловлар олиб бораётганларини кўрсатаёпти.

Устувор вазифалар ижроси учун барча бирдек масъул

Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Мамлакатимизда демократик иқтисодиётни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг яратилиши, шубҳасиз, ўтган давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги иқтисодиётлар, давлатчиликнинг ривожланиши жараёнида фуқаролар сиёсий онгининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқдир

Дунёнинг таниқли сиёсатчилари томонидан алоҳида эътироф этилаётган ушбу Концепция сиёсий партияларнинг ролини ошириш ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўйдики, бунда парламентада кўпчилик ўринини эгаллаган O'zLiDePдан ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда Концепция талабларига мослашиш ва шу асосда ўзининг режа ва дастурларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаёпти.

Бунинг учун эса ҳар бир партия аъзоси, у депутат бўладими, бошланғич ташкилот аъзосими, ўз ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг энг фаол иштирокчисига айланиши керак. Зеро, сайловлар даврида сайловчилар сиёсий партиялар номзодларига улар томонидан илгари сурилган ғоя ва мақсадларга қараб овоз берганлар. Муайян вақт ўтган эса ҳар бир сайловчи ўз орзу-умидини ана шу партиядан сайланган депутатлар орқали амалга оширилганини кўришни хоҳлайди.

Шу боис ҳам бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзолари ўз амалий ҳаракатлари билан самарали фаолият олиб боришга интилимқдалар. Фракция йиғилишларида вазирлик ва бошқа давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, масала моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилинмоқда. Айтиш жоизки, жойлардаги айрим муаммолар ечимини топишда ана шу амалиёт яхши натижа бераёпти.

Ҳўш, бу борада халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари қандай ишларни амалга оширмоқдалар? Депутатларимизнинг бугунги фаолияти Президентимиз Концепцияси талабларига тўла жавоб бераётими? Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ҳам у ёки бу маҳаллий раҳбар ҳисоботи ёхуд ахборотини сессиялар кун тартибига дадил кирита олаяптими?

Афсуски, бугун ана шундай саволларга ҳар доим ҳам ижобий жавоб қайтариш қийин. Бунга асосий сабаб «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш кўрилаётганидир. Бу эса O'zLiDeP фракцияси билан маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этади. Токи, қуйи бўғинларда ҳам парламент фракциясидаги демократик жараёнлар амалга ошсин. Зеро, шаҳар, туман партия кенгашларида изчил иш олиб борилишини, энг муҳими, ҳар бир O'zLiDeP аъзоси илғор позицияда туриши, партиянинг таянч нуқтаси бўлган бошланғич ташкилотларда ҳам ҳақиқий жонбозлик кўрсатилишини бугунги кун талаб этмоқда.

Тўғри, кейинги пайтларда янги сайланган депутатлик корпуси билан олиб борилган ишлар моҳияти ўзгараётган. Айниқса, шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришда ижобий натижалар кузатилаёпти. Баъзи ҳудудларимизда маҳаллий кенгаш сессияларига киритилаётган масалалар му-



Мансур ЗОКИРОВ,
O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси

айян муаммоларни ҳал этиш имконини бераёпти. Бу ҳақда сўз кетганида, Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан жорий йилда вилоят кенгаши сессияларига бир қатор масалалар киритилиб, улар кизгин мунозараларга сабаб бўлганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, лицей ва касбхунар коллежлари ўқувчиларининг жамоат транспортидан имтиёзли фойдаланишини таъминлаш масаласи сессия кун тартибига киритилган, ижобий ечим топди. Депутатлик гуруҳи томонидан вилоят кенгаши сессиясига киритилган яна бир муҳим масала — бу вилоятда футболни ривожлантириш билан боғлиқ эди. Бунда ҳам аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Романтик депутатларимиз эса туманда тадбиркорликни ривожлантириш ишларининг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масалани кун тартибига киритдилар. Аммо бугун ана шундай натижаларга қарамай, бу борадаги ишларни изчил ва етарли, деб бўлмайди. Айрим ҳудудларимизда партия ташкилотлари билан депутатлар ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ишни ташкиллаштириш масалаларида ҳам муаммолар сақланиб қоляпти. Бир қарашда оддий бўлиб кўринаётган бундай масалаларни ҳал этмай туриб қўйилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, биз ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини доимо депутатлик корпусининг, улар орқали эса сайловчиларнинг назоратида эканини сезиб туришларига эришимиз лозим. Табиийки, бу жараён ҳар томонлама етуқ, ўз маслага содиқ кадрлар захирасини талаб этади. O'zLiDeP ана шу нуқтани назардан келиб чиққан ҳолда партиянинг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини мунтазам ошириши ва жамиятнинг эргаштира оладиган лидерларни тарбиялаш зарур. Зеро, Юртбошимиз Концепциясида илгари сурилган устувор мақсадлар ҳам биздан шуни талаб этаётди.

Учрашувлар БПТларда ўтказилмоқда

Богдод туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда «Файзли Богдод» фирмасида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида бошланғич ташкилотлар олдида турган энг долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Учрашувда халқ депутатлари Богдод тумани кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ё.Мадрохимов партия дастурий ғояларидан келиб чиқиб, янги иш ўринлари яратиш режалари ҳақида ўз фикрларини билдирган бўлса, партия фаоли М.Жўраев Президент Концепциясида илгари сурилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда электорат орасида кенг тарғиб қилишда ҳар бир партия аъзоси фаол иштирок этиши зарурлигини таъкидлади. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг қатъий график асосидаги ана шундай учрашувлари бугун ўз самарасини бермоқда.

«Тўртинчи ҳокимият»га бирламчи эътибор

Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда ОАВнинг роли ҳамда вазибалари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда журналистларга яратиб берилган шарт-шароитлар ва соҳада қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш масалалари атрофича муҳокама қилинди

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»



Ўзлари ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаб етишлари лозим.

Анжуманда ОАВ фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, журналистларнинг ахборот олиш кафолатларини таъминлаш, уларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялашга қаратилган 10 га яқин қонуннинг қабул қилингани соҳани ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Буни 24-25 июнь кунлари Самарқандда ташкил этилган халқаро конференцияда қатнашган 10 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий мутахассис ва экспертлари ҳам алоҳида эътироф этганларини таъкидлаш жоиз. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспиналнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарияти масс-медияни ривожлантиришга қатнаш эътибор қаратмоқда. Шуниси қувонарлики, мамлакатнинг барча ҳудудларида хусусий телерадиокомпаниялар ташкил этилмоқда ва ОАВ-да ишлаш учун ёш журналистларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ОАВни ривожлантириш маркази раҳбари Оғна Златев (Болгария) эса нодавлат ОАВ тармоғини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар Ўзбекистонда демократик ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётганидан далolat беришини таъкидлади. «Мен Болгарияда мустақил ОАВ ташкил этишда бевосита иштирок этганман. Ўзбекистонда эса мустақил телевидение биздан 5 йил аввал ташкил қилинган ва муваффақиятли ривожланаётгани мени ҳайратга солди», — деди у.

Анжуманда таъкидланганидек, бугун Президентимиз Концепциясида тақлиф этилган қонун лойиҳалари устида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Улар ОАВ фаолиятини янада ривожлантириш ва ахборот олиш эркинлигини кафолатлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

— Ана шулардан бири «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир, — деди конференцияда фонд раиси, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси Абдулазиз Абдуллаев. — Ундан кўзланган асосий мақсад бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ОАВнинг, айниқса, хусусий нашрларнинг иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдан иборат. Мазкур қонун лойиҳасига кўра, ОАВ соҳасига ҳам бозор механизмларини жорий қилиш, уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг муҳим шартли сифатида ОАВ иқтисодий эркинлигини таъминлаш, рақобат муҳитида уларни ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари Адхам Шодмонов эса амалдаги қонунчилик мавжуд ОАВнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя қилишга қаратилганини, ammo бугунги ўзгаришлар соҳани тартибга солаётган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни тақозо этаётганини таъкидлади. Бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органи ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, ОАВ фаолиятини устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолар масалаларини ҳал этиш ҳақида бормоқда. Шу боис ҳам бугун парламент кўйи палатасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашга жиддий киришилди.

Анжуманда соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунларни ижро этишда муассислар билан тахририят ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар баъзи ҳолларда бажарилмаётгани, айрим босма нашрларнинг моддий-техник базасини яқшилашга етарли аҳамият берилмаётгани натижасида матбуот нашрларининг адади йил сайин камайиб бораётгани ҳам эътибор қаратилди. Илмий-амалий конференцияда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Ш.Рашидова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ҳуломов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институту бош илмий ходими Н.Мухторов ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг етакчи илмий ходими Ш.Якубов ўз маърузаси билан иштирок этди.

Қонунлар мукамал бўлиши шарт

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да иқтисодиётни либераллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган янги қонунларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди

Убайдулло ҒАҒУРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, доцент

Маълумки, ҳар қандай қонуннинг қоид ва тушунчалари ўз ўрнида қўлланилсагина, унинг самарадорлиги таъминланади.

Концепцияда тадбиркорлик фаолиятини белгиловчи ва тартибга солувчи қонун ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратилганини инобатга олиб, уларда қўлланилаётган «кичик бизнес», «кичик бизнес ва тадбиркорлик», «хусусий тадбиркорлик», «кичик ва хусусий тадбиркорлик», «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» атамаларининг мазмунини ўзаро мувофиқлаштириш керак, деган фикрни билдирмоқчиман.

Масалан, айни пайтда парламент кўйи палатасида кўриб чиқилаётган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 45-ва 46-моддаларида «кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари» атамаси қўлланилган. Бироқ қонуннинг ушбу моддалари келтирилган матнда фақат кичик тадбиркорлик субъектларига аниқлик киритилмади, холос. Мазкур атамани умуман изоҳ берилмаган.

Қонунда белгиланишича, яқка тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс томонидан амалга оширилади. Яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ҳодимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-

мулк негизда мустақил равишда амалга оширилади.

Аммо хусусий тадбиркорликнинг яқка тартибдаги тадбиркорликдан фарқ қилувчи қатор жиҳатлари ҳам мавжудлигини эътиборга олмастик мумкин эмас. Жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлик фақат жисмоний шахс сифатида амалга оширилса, хусусий тадбиркорлик юридик шахс кўринишида ҳам фаолият юритиши мумкин. Яъни, «Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона, деб эътироф этилади. Хусусий корхона давлат тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. ...Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади».

Шу нуқтаи назардан хусусий тадбиркорликда мулк эгаси ягона жисмоний шахс бўлса-да, ҳўжалик фаолиятини юритишда ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланиши мумкин.

Шу боис Концепцияда тақлиф этилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририни тайёрлаш ва қабул қилишда кўйидагилар эътиборга олинса, фойдадан холи бўлмасди. Хусусан, «кичик тадбиркорлик» ва «кичик тадбиркорлик» субъектлари атамалари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш учун уларни ягона кўринишига келтириш, қонуннинг 5-моддаси «Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари» деб номланган ва тегишли изоҳлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Амалдаги қонунда кичик тадбиркорлик субъектлари учун имтиёزلар белгиланиши ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

Чунки мазкур қонуннинг 5-моддаси тўртинчи қисмида бу тартиб қўйидагича баён этилган: «Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلар, кафолатлар ва ҳуқуқлар юқорида санаб ўтилган тижорат ташкилотларига улар томонидан ваколатли ташкилотларга (давлат солиқ, боғжона хизмати, статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёزلар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаат асосида берилди».

Бугунги кунда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим бўғинига айланганини барча юрдошларимиз том маънода қўллаб-қувватламоқдалар. Шундай экан, амалдаги қонун тегишли имтиёزلардан хабардор бўлмаганларнинг мавжуд имкониятлардан бебаҳра қолишига, ҳар бир ваколатли ташкилотга хабарнома тақдим этиш эса яна бир янги бюрократик ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигига йўл қўйилмаслиги лозим, деб ўйлайман. Ушбу вазифа тегишли адлия идоралари ва ҳокимликларнинг рўйхатига олиш инспекциялари зиммасига юкланса, айни муддао бўларди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида алоҳида эътибор қаратилаётган кичик тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши жуда кўпга олдилар, энг аввало, мазкур фаолият ҳуқуқий асосларининг пухта ва аниқлиги, улардаги иқтисодий-ташқилий механизмларнинг тўғри ҳисобга олинганига бевосита боғлиқдир.

Талаба тадбиркорликка талабгор, унга ким амалий ёрдам беради?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридagi солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ҳамда O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Косонсой туманида ўтказилган тадбирда ана шу саволга атрофича жавоб қайтарилди

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
«XXI ASR»

Турли йўналишдаги касб-хўнара коллежлари битирувчилари, банк, солиқ идоралари ва тадбиркорлик тузилмаларининг раҳбарлари иштирок этган тадбирда бошқарма бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Атахм Зиявитдинов, O'zLiDeP вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда битирувчи ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Бу муҳим ишда O'zLiDeP «Ёшлар қаноти» томонидан таълим муассасалари битирувчилари ўртасида «Диплом билан — бизнесга» сингари қатор мавзуларда ўқув-семинарлар ўтказилаётгани, бунда ёшларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани тилга олинди. Ана шундай ўқув-семинарлар доирасида Чуст туманидаги касб-хўнара коллежлари ўқувчиларидан 15 нафарига банк сертификатлари ҳам топширилди.

Бундан ташқари, «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловидида вилоятдаги 107 та касб-хўнара коллежининг 36 нафар иқтидорли ўқувчиси иштирок этиб, улардан 3 нафари республика босқичига йўлланма олдди. Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер ҳўжалиғи раҳбари, O'zLiDeP

аъзоси Ҳомидхон Мўйдинхўжаевнинг ташаббуси билан эса жамоада 128 та янги иш ўрни яратилганлиги, унинг 78 таси битирувчи ёшларга ажратилгани ҳам бу жараёнда партия аъзоларининг фаол иштирок этаётганларини кўрсатмоқда.

Тадбирда, шунингдек, Косонсой туман ДСИ бошлиғи Аскаржон Холматов сўзга чиқиб, тадбиркорларга солиқ тўловлари бўйича яратилган имтиёزلар, тадбиркорлик субъектларини текширишларни тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳияти билан таъминлади. «Камолот» ЕИХ вилоят бўлими вакиллари эса «Ёш тадбиркор қишлоқ тараққиётининг кафолати», «Менинг бизнес-фоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададор» номли лойиҳалар бўйича кенг маълумотлар бердилар.

Пискентда ёшлар форуми

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деб номланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир туман ёшларининг ҳақиқий байрамга айланиб, унда 300 нафардан зиёд битирувчилар доимий иш жойига ҳам эга бўлдилар

Шухрат ОХУНЖОНОВ,
«XXI ASR»


Унда сўз олганлар юртимизда истиқлол йилларида таълим тизимини ислох этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган улғувор ишларни таъкидлаб, ёшларнинг ўз салоҳияти ва қобилиятига яраша мутахассисликларни эгаллашлари ва жамиятда муносиб ўрин топаётганликларини фахр билан тилга олдилар.

Тумандаги хизмат кўрсатиш ва технология касб-хўнара коллеж директори Сарвар Холмуродов, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Холмурод Каримов ва бошқаларнинг маърузалари бай-

рам иштирокчиларида қатта таъассурот қолдирди.

Мазкур тадбир доирасида савдо ярмаркаси ҳам ташкил этилиб, унда энг илғор маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилди. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркасида эса касб-хўнара коллежларининг 600 га яқин битирувчиларига турли мутахассисликлар бўйича ишлар тақлиф этилди. Уларнинг 300 нафардан зиёди эса шу кунгича иш бевуви корхоналар билан шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Форум якунида машҳур эстрада хонандалари, эл севган санъаткорлар ижросида қатта концерт намойиш этилди.





КОРАКАЛПОГИСТОН.

OzLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Тўрткўл туманида ўтказилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодий барқарорлик кафолати" мавзусидаги семинарда Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда партия фаоллари зиммасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани таъкидланиб, мамлакатимиз иқтисодиётида мулкдорларнинг роли ва улушини янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари янада соддалаштириш лозимлигига эътибор қаратилди.

НАМАНГАН.

Мингбулоқ туманида ўтказилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир" мавзусидаги ўқув семинарда эса аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларнинг аҳамияти, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга партия томонидан амалий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Семинарда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида юрган аёлларни қўллаб-қувватлаш, бу борада чекка ҳудудлардаги хотин-қизлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

ХОРАЗМ.

OzLiDeP Гурлан туман кенгаши ташаббуси билан "Маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, жойларда ёш фермер ва тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф қилиш, шунингдек, маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали битирувчи йигит-қизларни иш билан таъминлаш лозимлигига эътибор қаратилди. Хусусан, туманда бу борада қулайликлар мавжудлиги, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Давра суҳбатида «Ёшлар қаноти» бўлимларининг бу борада фаол иштирок этиши кераклигига эътибор қаратилди.

«Аёллар қаноти» кўприк вазифасини ўтамоқда

OzLiDeP Бухоро вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Феруза БОБОМУРОВА «XXI asr» мухбири саволларига жавоб беради

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда вилоятда 8871 нафар партия аъзоси бўлиб, уларнинг 4041 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда. 1700 нафарга яқин эса тадбиркор ва фермерлардир. Улар турли соҳаларда ишлаш борабарда партиянинг сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб, вилоятдаги аёлларга, хусусан, катта ҳаёт оstonасига энди қадам қўяётган қизларга ўрнатилган қўллаб-қувватлаш дастурида белгиланган энг муҳим вазифалардан биридир, — дейди Феруза Бобомурова. — Шу боис сафарларимизни янада кенгайтириш мақсадида жойларда турли учрашув, давра суҳбатлари ва жонли мулоқотлар ўтказишга ҳаракат қилаёلمиз. Ушбу тадбирларда жамияти-миз ҳаёти билан бевосита боғлиқ мавзулар муҳокама қилинаётгани боис улар кизиқарли ва жонли ўтаётган. Агар Гиждувон ва Қорақўл туманларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир» мавзусидаги ўқув семинарда эса аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларнинг аҳамияти, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга партия томонидан амалий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Семинарда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида юрган аёлларни қўллаб-қувватлаш, бу борада чекка ҳудудлардаги хотин-қизлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Мазкур тадбирлар асосан Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар мазмун-моҳиятига қаратилиб, айниқса, мазкур дастуриламал ҳужжатнинг «Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш янада чуқурлаштириш» деб номланган боби нафақат тадбиркор ва фермер аёллар, балки касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрталарини битириб чиққан қизларда ҳам катта қизиқиш уйғотаяпти.

— Айтнинг-чи, Бухоро вилоятида хусусий бизнес соҳасига энди кириб келаётган хотин-қизларга «Аёллар қаноти» томонидан қандай амалий ёрдам кўрсатилаяпти?

— Амалий ёрдамни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин, албатта. Биз асосан тегишли йўналишлар ҳамда мутахассис ва тадбиркор ўртасидаги кўприкни яратиб берамиз. Масалан, жорий йилнинг дастлабки чорагида «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган аксарият тадбирларда бошловчи ишбилармонлар ўз бизнес-лойиҳаларининг тақдирини ўтказдилар. Биз эса тегишли соҳаларнинг мутахассисларини таклиф этиб, тадбиркор ва банк, тадбиркор ва солиқчи, тадбиркор ва ҳуқуқшунос мулоқотини ташкил этдик. Бу жуда катта самара берди, албатта.

Масалан, ёш тадбиркорлардан Хумора Курбонова, Гулноза Қиёмова, Зарнигор Тошева, Шохиста Зоирова ва бошқаларнинг тикувчилик, қурилиш материаллари тайёрлаш, ширинликлар ва доривор ёғларни ишлаб чиқариш юзасидан тайёрлаган лойиҳалари вилоят миқёсидаги тадбирларда ҳам юқори баҳола-ниб, ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тавсиялар берилди. Агар ана шу лойиҳалар амалга ошса, қишлоқ жойларида янги корхоналар иш бошлайди, ёшлар иш билан таъминланади. Энг муҳими, улар бундан кейинги иш фаолиятларида ҳам «Аёллар қаноти»нинг доимий кўмагини



хис этадилар. Мухтасар қилиб айтганда, партиямизга янгидан аъзо бўлган опа-сингилларимиз OzLiDeP қаноти остида эканларини ҳамisha ҳис этиб турадилар.

— «Аёллар қаноти», умуман, OzLiDeP вилоят кенгашининг тарғибот-ташвиқот ишларини қандай баҳолайсиз?

— Албатта, кенг миқёсда тарғибот-тушунириш ишларини олиб бормай туриб, партиявий фаолиятда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб бўлмайди. Шу боис ҳам ушбу йўналиш «Аёллар қаноти»нинг доимий диққат марказидадир. Жорий йилнинг ўтган даврида Бухоро, Когон шаҳарлари, шунингдек, Жондор, Вобкент, Шофиркон, Гиждувон, Ромитан, Вобкент, Қорақўл ва Жондор туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида «Гўзаллик ва нафосат тивосоли — аёл», «Аёл қалби наволари», «Аёл билан олам мунаввар», «Ифатли келин», «Аёл ва жамият», «Иқтидорли қизлар» сингари бир-биридан мазмунли тадбирлар ўтказилди, уларда оилаларда соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Байрамларда ўтказилаётган тадбирларда ҳам жойлардаги партия ташкилотларимиз ҳам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, эҳтиёманд ва боқувчисини йўқотган юртдошларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Буларнинг бари партиямиз дастурий гоғларини ва Сайловолди платформасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилгандир.

ламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятдан имкон борича фойдаланаямиз.

— Аёл ҳар қанча тадбиркор ва жамоат ишларида фаол бўлмасин, барибир оила бекаси бўлиб қолаверади. Шундай эмасми?

— Бу ҳар қандай аёлнинг бахти, албатта. Аммо айни пайтда ана шу бахт оила билан жамият ўртасидаги кўприкка ҳам айланаяптики, бундан фақат қувониб керак. Шунинг учун ҳам биз жорий йилнинг ўтган даврида Шофиркон, Гиждувон, Ромитан, Вобкент, Қорақўл ва Жондор туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида «Гўзаллик ва нафосат тивосоли — аёл», «Аёл қалби наволари», «Аёл билан олам мунаввар», «Ифатли келин», «Аёл ва жамият», «Иқтидорли қизлар» сингари бир-биридан мазмунли тадбирлар ўтказилди, уларда оилаларда соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Байрамларда ўтказилаётган тадбирларда ҳам жойлардаги партия ташкилотларимиз ҳам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, эҳтиёманд ва боқувчисини йўқотган юртдошларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Буларнинг бари партиямиз дастурий гоғларини ва Сайловолди платформасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилгандир.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

Эл-юрт хизматида камарбаста

...Жиззах шахрининг «Кўк бозор»идаги озиқ-овқат дўконлари харидорлар билан гавжум. Сотувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Сут маҳсулотлари дўкони пештахтаси олдида турган онахоннинг жавобига илҳақ сотувчи қиз яна саволни қайтарди:

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

— Пластик картоннинг кодини айтинг. Онахон унинг гапини эшитмагандек қўлидаги идишни синчковлик билан айлантира бошлади.

— Қарилки қўрсин, кўзим ўтмайди, болам. Жуда чиройли қадоқланган экан. Бунақасини илгари кўрмаган эдим. Чет элликми? — деди онахон чорак килолик идишдаги қаймоқни ортида турган аёлнинг қўлига тутқазар экан.

— Она, бу ўзимизда тайёрланган. Мана, «Мевазор қишлоғи» деб манзилни, телефон рақамларини ёзиб қўйибди. «Уста Сафар ота» фермер хўжалиги қорхонасида ишлаб чиқарилган экан. Дўстлик туманида жойлашган бу қишлоқ, — дея онахонга тушунтира бошлади аёл.

— Фермерлар ҳам заводчи бўлиб кетибди-да, а? Ўзимизники бўлса, яна яхши. Қизим, буни ҳам қўшиб ҳисобла. — Онахон қўлидаги идишни сотувчига узатди....

«Уста Сафар ота» фермер хўжалиги маҳсулотлари ҳақиқатан ҳам вилоят марказидан анча олисда, Дўстлик туманининг Мевазор қишлоғида, Дўстмамат Қодирқулов бошчилик қилаётган фермер хўжалигига қарашли қорхонада тайёрланмоқда.

Дўстмамат Қодирқулов фермерликка бошқаларга қараганда сал кейинроқ — 2004 йилда қўл урди. Бу пайтда вилоятдаги деҳқончилик қилинадиган ерлар тўлиқ эғали бўлган, фермер хўжаликлари анча сараланиб қолган эди. Табиийки, унмудор ерни ҳеч ким қайтариб бермайди. Шу боис унга эгаси бир неча марта алмашган, унмудорлиги паст, ташландик ер тегди.

Дала кенг, фермер кўп. Аммо қишлоқ одамлари қайси майдоннинг ҳолати қандай эканини яхши билади. Дўстмамат Қодирқулов фермерлик фаолиятини унмисиз ерда бошлаганидан хабар топганларнинг баъзилари унинг «қўқариши»га ишонсизлик билан қаради.

— Президентимиз раҳнамолигида фермерлар учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда, — дейди Дўстмамат ака. — Ўғит, ёниги, банк кредитлари, лизингга техника олиш мумкин. Фақат ишлаш, имкониятдан самарали фойдаланиш, агротехникани тўғри йўлга қўйиш, ерни меъёрида озиқлантириш керак.

У мана шундай йўл тутди. Билмаганларини тажрибали деҳқонлардан сўраб ўрганди. Анча режа асосида иш юритди. Ташландик майдонни ҳосилдор ерга айлантирди. Биринчи йиллик галладан ҳам, пахтадан ҳам мўлжалдаги ҳосил олинди.

80 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермер 2007-2009 йилларда 386 тонна пахта, 226 тонна галла еттиштирди. Пахта ҳосилдорлиги 32-35, галланики 45-50 центнерни ташкил этди.

Дастлабки ютуқ одамни рўхантиради. У деҳқончиликдан олган даромади ва банк кўмагида бошқа тармоқларни ҳам йўлга қўйишга киришди.

— Деҳқончилик — иқтисодиётнинг энг тез самара берадиган соҳаси, — дейди Д.Қодирқулов. — Ота-боболаримиз деҳқончилик бир йилда, чорвачилик эни йилда, деб бежиз айтишмаган. Агар бу икки тармоқ замонавий технологиялар асосида қўшиб олиб борилса, чинакам ҳазинага айланади. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча имконият ва шароитлар яратиб берилаяпти. Бундан самарали фойдаланишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори фермерни кўнглидаги режаларини амалга оширишга ундади. У хўжалигида чорвачиликни йўлга қўйишга, қайта ишлаш қорхонаси барпо этишга аҳд қилди. Иқтисодчи мутахассис сифатида ўз лойиҳасининг истиқболларини аниқ ҳисоб-китоб қилиб, чорвачиликни йўлга қўйди. 200 бош қорамолга мўлжалланган ферма, бузоқлар учун алоҳида жой, ем сақлаш ва озуқа тайёрлаш жойларини қурди.

Чорвачиликни янги технология асосида бошлаган фермер хориждан зотдор қорамолларни олиб келиб кўпайтирди. Бугунга келиб хўжаликда насли моллар 170 бошга етказилди. Шунингдек, 400 бошга яқин қўй-эчки, 14 бош йилқи боқилапти. 2010 йилнинг ўзида 82 тонна сут, 18 тонна гўшт еттиштирилди.

— Президентимизнинг ташаббуси билан «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган минитехнологиялар кўргазмаси қайта ишлаш қорхонаси қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишда катта имконият яратди, — дейди Д.Қодирқулов. — Исроил давлатининг «Bekline» компанияси билан шартнома тузиб, сутни қайта ишлаш технологиясини олиб келдик.

Деҳқончиликда ҳосилдорликнинг, чорвачиликда маҳсулдорликнинг оширилиши, қайта ишлаш қорхонасининг узлуксиз ва самарали ишлаши эвазига фермер хўжалиги даромади изчил кўпайиб бормоқда. Буни 2008-2010 йилларда 625 миллион сўм даромад олингани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Хўжалик даромадининг кўпайиши ишчилар моддий фаровонлигини ошириш имконини кенгайтирмоқда. Қорхонада ишлаб чиқарилган пастерланган сут, қатик, қаймоқ, пишлоқ, бринза, меваги творог, парҳез творог, йогурт, саригёв ва бошқа турдаги маҳсулотлар Жиззах ва Сирдарё вилоятлари соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларига, ички бозорга етказиб берилаяпти.

«Ташаббус-2010» кўрик-танлово мамлакат босқичининг «Менинг юртим — менинг ифтихорим» номинацияси долиби Дўстмамат Қодирқулов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, қишлоқда хизмат кўрсатишнинг янги турларини барпо этиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Эл-юртга хизмат кўрсатишни ният қилган бундай одамларнинг эзгу орзулари албатта рўёбга чиқади.

140 нафардан 3 нафари танлаб олинди

OzLiDeP Хоразм вилоят кенгаши «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танлово орқали касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда вилоятда 85 та касб-хунар коллежи ва 6 та академик лицей бўлиб, уларда жами 92504 нафар йигит-қизлар 105 та касбий йўналиш бўйича хунар ўрганмоқдалар. Ҳадемай мустақил ҳаётга йўл оладиганлар орасида хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганлар кўпчилигини ташкил этмоқда. «Ёшлар қаноти» ходимлари эса уларни партия ташаббуси билан таъминлаш лозимлигига эътибор қаратилди.

кил этиб келинаётган «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳасида фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар.

Ўтган ҳафтада мазкур танловнинг вилоят босқичи беллашувлари бўлиб ўтди. Унда 140 нафар талаба ўз лойиҳалари ҳамда тайёрлаган маҳсулотлари билан қатнашиб, 33 нафари республика босқичи йўлланмаси учун куч синишди.

Урганч давлат университети қошидаги 3-академик лицейнинг 1-босқич талабаси Исламбек Йўлдошев «Ўзапо» яни ҳавосиз жойда юқори ҳароратли реакторда ташқаридан қиздириш» лойиҳаси

билан қатнашиб, 1-ўринни эгаллади.

Ҳазорасп иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Адolat Исоқованинг махсус кийим тикиш лойиҳаси эса 2-ўринга лойиҳа топилди. Янги-ариқ иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Шаҳноза Юсупованинг компьютер хизмати кўрсатиш лойиҳаси ҳам ҳайъат аъзоларининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. У танловда 3-ўринни эгаллади.

Танловнинг республика босқичида қатнашиб ҳуқуқини қўлга киритган талабалар OzLiDeP вилоят кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо соғвалари билан тақдирландилар.

Сўранг, жавоб берамиз!

«Велосипед»дан сакланинг!

— Яқинда спиртли ичимлик истеъмол қилиб велосипед бошқарган шахсга нисбатан ҳам жарима солиниши мумкинлиги тўғрисида эшитиб қолдим. Қонун ҳужжатларига ҳақиқатан ҳам ана шундай модда киритилганми? Дилшод Муҳаммадхонов, ҳайдовчи. (Тошкент шаҳри)

— Ҳақиқатан ҳам жорий йилнинг 27 апрелидан қушга кирган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга кўра, энди бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қучайтириладиган бўлди. Кодекснинг 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган бундай ҳуқуқбузарлик, яъни мопед, шунингдек, велосипед ҳайдовчиси ҳамда уловли араваши бошқарувчи шахс спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлса, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридан жарима солинади. Аммо бу ҳолатда ҳуқуқбузарнинг велосипеди, мопеди ва уловли араваши жарима майдонига қўйилмайди.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРАНИКИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Феолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккилашмай бизга мурожаат этинг!
Мамада Мирзо Улугбек тумани, Қорасоғ 6 ҳақаси 19-Г ўй.
Тел: 8 (371) 265 80 48; 265 73 17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

БАНК ТИЗИМИ



27 (399)-СОН

2011 йил 7 июль,
пайшанба

e-mail:
axborotXlasr@yahoo.com



Бундан 20 йил муқаддам бозор муносабатларига асосланган иқтисодий юзага келтириш, унинг қон томирлари бўлмиш эркин банк ва молия тизимини шакллантириш ёш давлатимиз олдига энг муҳим ва айтилган энг оғир вазифалардан бири эди. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, ўшанда «Биринчи навбатда иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шартини» бажаришимиз лозим бўлганди. Агар собиқ тузум даврида сиёсатнинг иқтисодийдан устуворлиги охир-оқибат мамлакатни таназзулга олиб келган бўлса, иқтисодийнинг сиёсатдан устуворлиги нечоғли аҳамиятли эканлигини мустақил Ўзбекистонимизнинг 20 йиллик тараққиёт йўли яққол кўрсатиб берди. Чунки бевосита давлатга бўйсунувчи саноқли банклар билан бугунги натижаларга эришиб бўлмасди. Шу маънода ҳам бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари том маънода иқтисодий тизимнинг қон томирларига айланди

Молиявий барқарорликдан иқтисодий тараққиётга

Истиклол тенгдоши бўлган «Ҳамкорбанк» бошқа молиявий институтлар қатори ўз эътиборини бугунги рақобат шароитида молиявий имкониятларни янада мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миқдорларга кенг турдаги корпоратив ҳамда чакана банк хизматларини кўрсатиш ҳамда қўшимча хизмат турларини татбиқ этишга қаратмоқда

Мазкур банк айтилган пайтда республикамизнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олган, десак, хато қилмаймиз. Жумладан, унинг 26 та филиали ва 150 га яқин минибанкида миқдорларга қирқ турдан зиёд замонавий хизматлар кўрсатилмоқда.

— Корхонамиз асосан тухум ва пархез гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди «Буҳоропарранда» акциядорлик жамияти раҳбари Алимжон Убайдуллаев. — Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фаолиятимиз «Ҳамкорбанк» билан бевосита боғлиқ. Яъни, дастлабки йиллардан оқибат биз ушбу молия муассасаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ҳозир жамиятимизда 330 киши меҳнат қилаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна, техника ва иншоотлар етарли. Буларнинг деярли барчасига банк томонидан ажратилган маблағлар эвазига эришиляпти. Жумладан, биргина жорий йилда паррандачиликни ривожлантириш, замонавий ускуна ва наслдор жўжа харид қилиш учун банкнинг Бухоро филиалидан жами 1 млрд. сўм, паррандаларни витаминли озуклар билан таъминлаш учун 125 млн. сўм миқдорда кредит олдик. Бу фаолиятимизни янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, молия муассасалари маблағлари эвазига жойларда янги қувватлар фойдаланишга топширилиб, уларда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Ана шулардан бири — Андижондаги «Андметалл ҳамкор» қўшма корхонаси. Ҳозирги кунда бу ерда шифер, турли ҳажмдаги асбестцемент қувурлар ва бошқа буюмлар тайёрланмоқда.

— Қўшма корхонамиз бундан тўрт йил олдин ишга туширилган бўлиб, бозор талаблари асосида рақобатбардош шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик, — дейди «Андметалл ҳамкор» раҳбари Улуғбек Абдувоҳидов. — Натихалар чакки эмас. Жамоа тўла шаклланиб бўлди. Украинада ишлаб чиқарилган замонавий технология харид қилишда «Ҳамкорбанк» томонидан ажратилган кредит жуда қўл келди. Эндиликда маҳсулотларимиз юқори сифат билан ишлаб чиқарилаётди. Албатта, бугунги рақобат шароитида эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмаслик лозим. Янги-янги лойиҳаларни рўйбга чиқариш учун бир кеча-кундузда 5 минг донга «ТУ» русумли асбестцемент листларини бундан имкониятига эга ускуналарни ўрнатдик. Мазкур линия фойдаланишга топширилган, қўшимча 18 та янги иш ўрни яратилди. Нимаики янгилик қилмайлик, барчасини «Ҳамкорбанк»нинг молиявий кўмаги билан амалга оширяпмиз. Чунончи, ўтган йили ҳам ашё харид қилиш учун 400 миллион сўм миқдорда кредит олган эдик. Ушбу сармоя ҳам ўз самарасини берапти. Ҳозир корхонамизда хар кеча-кундузда 3 минг донга шифер ишлаб чиқарилиб, хариддорларга пешмапеш етказиб берилмоқда.

Пойтахтимиздаги «SHINKONTRAKTTORG» шўъба корхонаси ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, кам бўлаётгани йўқ. «Ҳамкорбанк»нинг 3 млрд. 768 млн. сўм миқдордаги кредити ҳисобига поливинхлорид ҳам ашёдан пластик қувур, карниз ва қопламалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуна харид қилинган эди. Айтилган пайтда корхонада тайёрланаётган ушбу турдаги маҳсулотлар юқори сифатлиги боис қўлма-қўл бўлиб кетмоқда.

Энг муҳими, банк томонидан ажратилаётган маблағлар ва кўрсатилётган хизматлар эвазига жойларда ўнлаб янги микрофирма ва корхоналар иш бошлаб, минглаб кишилар даромад манбаига эга бўлмоқдалар. Буни банкнинг Фарғона филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айтилган кунда жамоа 2 мингдан зиёд миқдордаги кредит олинган, десак, хато қилмайди. Улар орасида Тошлоқ туманидаги «Водий Тошлоқ текстиль» ишлаб чиқариш ширкати ҳам бор. Банкнинг корпоратив миқдори ҳисобланган корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Янги лойиҳа асосида Хитойдан замонавий технология сотиб олиш учун ўтган йили 484 млн. сўм миқдорда кредит йўналтирилди. Ҳозир бу ерда 30 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Яна бир мисол. «Ста Пласт» масъулияти чекланган жамияти «Ҳамкорбанк»нинг 300 млн. сўмлик кредити ҳисобига ўз фаолиятини янада кенгайтиришга эришди. Ишчи-хизматчилар сони кўпайгани ҳам эътиборга моликдир. Айтилган кунда жамият хом ашё сотиб олиш учун янги кредит линияси очилди.

Банк миқдорлари орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Чунончи, ўтган йили 91 нафар аёл банкнинг молиявий кўмаги билан ўз бизнесини янада кенгайтиришга эришди. Уларга 1340 млн. сўмдан зиёд кредит ажратилди. Хусусан, «Гавхар-Тантана» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зебунисоҳон Хайруллаева тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобига 50 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Юртимизда деҳқон ва фермер хўжалиқларини, қайта ишловчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш изчил йўлга қўйилгани боис соҳада ижобий натижаларга эришилмоқда. Банк томонидан ана шу мақсадлар учун 42 млн. сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. Умуман олганда, банк сармоялари тadbirkorлик фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Бир сўз билан айтганда, очик акциядорлик-тижорат «Ҳамкорбанк» мустақилликнинг дастлабки кунларидан республикамиз иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиб, миқдорлар эътирофига сазовор бўлаётган молия муассасаларидан биридир. Бугун ҳам ахил жамоа миқдорлар учун эмас, балки банк миқдорлар учун, деган широрга содиқ қилиб, зўр куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқда.



Инвестиция учун ишончли кўприк

Бундан уч ой муқаддам 250 мингдан зиёд ўқувчисига эга «Global Finance» журналида иқтисодий жадаллик билан ривожланаётган давлатлар ичида Ўзбекистоннинг жорий йилдаги энг яхши банки деб топилган очик акциядорлик-тижорат «Кредит Стандарт банк» республикамиз иқтисодий юзага келтирилган энг яхши молия институтларидан биридир

Янги асрнинг барқарор банкларидан бири мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида бундай юксак эътирофга лойиқ топилиши бежиз эмас. Ўтган қисқа давр ичида банк ва миқдор муносабатлари мустаҳкамланди. Халоллик, ишга масъулият билан ёндашиш каби кадрларга асосланган ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам қўлай имкониятларни юзага келтирмоқда.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини таъминлашнинг муҳим омилга айланиб бормоқда. Шунинг эътиборига олиб, «Кредит Стандарт банк» кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йилида мазкур соҳани ривожлантириш учун 6367,6 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Унинг 3344,6 млн. сўми саноат, 96 млн. сўми балиқчиликни ривожлантириш, 66,8 млн. сўми транспорт ва алоқа соҳасига сарфланди. 2860,1 млн. сўми эса бошқа мақсадларга йўналтирилди.

Банк жамоаси «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлар сармоясини, авваламбор, халқаро молия институтлари кредитларини ҳамда тўғри-

дан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда турли корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун 9089,9 млн. сўмлик инвестицион кредит ажратилди. Унинг бир қисми пойтахтимизда юқори сифатли тиббиёт ампулалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонага берилди. Натихада қисқа муддатларда замонавий ускуна келтириб ўрнатилди ва 100 га яқин иш ўрни яратилди. Банкнинг Фарғона вилояти филиали ҳам ушбу йўналишда бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. Масалан, Фарғона ёғ-мой ОАЖга янги манзилда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш учун 1,7 млрд. сўмлик кредит линияси очилди. Эътиборлиси, бу маблағнинг 1,2 млрд. сўми амалиётга татбиқ этилди.

Бугунги кунда аҳоли истеъмол товарларининг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бунда тижорат банкларининг молиявий кўмаги ҳам алоҳида ўрин тутди. Жорий йилда биргина «Кредит Стандарт банк» томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтириш мақсадида 2253,8 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилгани бунинг ёркин мисолидир. Бу сармоялар асосан аҳолини ўсимлик ёғи ва яхна ичимликларга бўлган талабидан

келиб чиқиб, айнан шу тармоқлар ривожига йўналтирилди. Бундан ташқари, маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 7193,9 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiга хизмат қилмоқда.

Айтилган мамлакатимиздаги барча корхона ва ташкилотлар кутлуғ сана — мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар. Жумладан, «Кредит Стандарт банк» жамоаси ҳам байрам арафасида жисмоний шахслар учун «Мустақиллик», «Ривож» ҳамда «Таянч» омонат турларини жорий этди. Барча депозитлар бўйича пул маблағлари миллий валютада 100 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда 23 фоизга қабул қилинади. Эътироф этиш жоиз: янги омонатлар шартлари миқдорларнинг талаблари турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, омонат ҳисобини банкнинг барча минтақавий филиалларида очиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, очик акциядорлик-тижорат «Кредит Стандарт банк» жамоаси миқдорларга янги ва қўлай, жаҳон андозаларига мос замонавий хизматларни жорий этиш учун бор имкониятларини ишга солмоқда.

«Ипак йўли» ҳамкорликнинг катта йўлида

«Ипак йўли» очик акциядорлик инновация банки ҳам ўз фаолиятининг дастлабки даврларидан бошлаб молия бозорида самарали иш олиб бормоқда. Тўпланган узоқ йиллик тажриба бугун банк мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир

Мазкур молия муассасасининг 10 та филиали ҳамда республика бўйича 72 та экспресс-марказлари 364 мингдан зиёд миқдорга малакали хизмат кўрсатиб келяпти.

Айтилган пайтда банк бўлимлари даромадларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш ҳамда бизнес-режа параметрларини бажариш йўлида муайян муваффақиятларга эришмоқда. Бунинг жорий йилнинг июнь ҳолатига кўра, банк активлари 535,5 млрд. сўм, кредит портфели 213,1 млрд. сўмга етганида ҳам кўриш мумкин. Кичик бизнесни кредитлар билан таъминлаш ва улар талабини тўла қондиришни мақсад қилган банк чет эл банклари ҳамда Осиё Тараққиёт банки очган кредит линиялари орқали ҳам ўрта қатламни ривожлантиришга ҳисса қўшапти. Хусусан, Осиё Тараққиёт банки билан келишувга биноан 1 млн. 300 миң АҚШ доллари миқдоридagi маблағ самарали ўзлаштирилгани боис ўтган йилнинг иккинчи ярмида ана қўшимча 10 млн. АҚШ доллари ажратилиб тўғрисида келишиб олинди. Бу ҳол банкнинг халқаро молия ташкилотлари кредит линияларини жалб этиш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш борасидаги фаолияти ана жаддалашганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари «банклар инвестиция жараёнининг асосий бўлини, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим» дея алоҳида таъкидлаган эдилар. Инвестиция сиёсатининг нақадар муҳимлиги, унинг устувор соҳалардан бири эканлиги «Ипак йўли банки» жамоасининг фаолияти ҳам аққол кўрсатапти. Микрокредитлаш дастурига биноан шу кунгача умумий миқдори 178 млрд. сўмлик сармоя ажратилди. Жорий йилнинг март ҳолатига кўра кредит портфели 32 млрд. сўмдан ошди. Бундан ташқари, банк шу йил якунига қадар юзлаб янги иш ўринлари яратиши ҳам режалаштирилган.

— Микрокредитлаш дастури тadbirkorлар учун қўлайлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, асосий эътибор миқдор ва банк ўртасидаги муносабатларни янада соддалаштиришга қаратилиб, кредитга ариза бериш ва уни олиш орасидаги муддатни имкон қадар қисқартиришга эришдик, — дейди банкнинг микрокредитлаш бошқармаси бошлиғи Азиз Хафизов.

Шу ўринда банкнинг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги кенг қўллаб-қувватлашга тўхталиш ўринлидир. Хусусан, банк ўзининг хорижий шериклари — Германиянинг «КФВ» банки ва Ислам тараққиёт банкининг Хусусий секторни ривожлантириш Ислам корпорацияси билан яхши ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Биргина «КФВ» банкнинг кредит линияси очилганига салкам 14 йил бўлди. Ҳозиргача мазкур молия муассасасининг қарийб 12 миллион евро миқдоридagi сармоясини ўзлаштирилиб, 500 га яқин иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Хусусий секторни ривожлантириш Ислам Корпорациясининг кичик бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга мўлжалланган 2 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит линияси ҳам очилди, мазкур маблағ ўрта қатлам ривожини, айниқса янги иш бошлаган тadbirkorлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ишлардан қўзланган мақсад аниқ. У ҳам бўлса, чет эл сармоясини самарали жалб этиб, замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар олиб келишни режалаштириётган тadbirkorларга ҳамда импорт ўрнини босадиган, экспортлоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш истагидаги корхоналарга молиявий кўмак бериш орқали янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат.

Бефарқликдан — таназзул остонасигача

Экологларнинг таъкидлашича, XXI асрда амфибияларнинг учдан бир, сут эмизувчиларнинг эса тўртдан бир қисми йўқ бўлиб кетиш арафасида

Аскар ИМОМХУЖАЕВ

Бундан 48 йил муқаддам «Далилларнинг қизил китоби» жорий қилиниб, унда камёб ва йўқолиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг илк рўйхати эълон қилинган эди. Аммо ўтган давр мобайнида жаҳонда табиий хилма-хилликнинг йўқолиб кетишига қарши курашиш ҳақида давлат ва нодавлат ташкилотлар, ОАВ мунтазам равишда бонг ураётган бўлса-да, ушбу саъй-ҳаракатлар етарли даражада самара бермапти.

Оқибатда XXI асрга келиб сайёраимиздаги ҳайвонлар ва ўсимликлар сони кескин камайди. Айримларининг сони қисқараётган бўлса, бошқалари ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш арафасида. Мутахассисларнинг фикрича, замонавий дунёда ҳайвонларнинг қирилиши динозаврлар давридагидан ҳам шиддатлироқ кечмоқда.

Бутунжаҳон Табиатни қўриқлаш иттифоқи (IUCN) мутахассислари маълумотига кўра, ҳозирги кунгача «Қизил китоб»га киритилган 45000 та ўсимлик ва 869 та ҳайвон тури камайган. Табиий хилма-хиллик бўйича эксперт Фолькер Хомес эса дунё миқёсида био хилма-хилликнинг йўқолиб бориши секинлашиб ўрнига, аксинча, жадаллашаётганини таъкидламоқда. Бу жараёни тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти бир ёқадан бош чиқариши керак. «Бугун турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланиши биологик хилма-хиллик билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам бу масалани шундай қолдиришга ҳаққимиз йўқ», — дейди у.


Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда, айниқса, туризм, озик-овқат саноати ва фармацевтика каби ўнлаб соҳаларда био хилма-хиллик беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бутунжаҳон Ёввойи табиат иттифоқи (IUCN) мутахассисларининг маълумотларига қараганда, бугун ер юзида ҳар саққизинчи парранда йўқолиб кетиш арафасида турибди. Хусусан, Бразилия ва Индонезиянинг катта-катта сернам тропик майдонларидаги дарахларнинг кесилиши ана шундай ҳолатни келтириб чиқараяпти. Дунё океанида ҳам ташвишлинишга арзирли сабаблар кўпайиб бормоқда. Бу ерда

оммавий балиқ ови ва сувнинг ифлосланиши туфайли уммонлардаги табиий хилма-хиллик даражасининг кескин пасайиши кузатиляпти. Устига-устак, океан ва денгиз қирғоқлари одамлар томонидан борган сари кўпроқ эгалланмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 1045 хил наҳанг ва скатларнинг 17 фоизи, денгиз тошбақаларининг 6-7 фоизи қирилиб кетиш арафасида. Булардан ташқари, 845 хилдаги маржонлар тақдирини ҳам хавф остида қолмоқда.

Табиат оламига эътибор сусайгани етмаганидек, глобал иқлим иссиши ҳам вазиятни мураккаблаштирмоқда. Ҳозирча хавф остида бўлмаган паррандаларнинг тахминан учдан бир қисми иқлим иссишининг қурбонларига айланиши мумкин. Вақтинча хавфдан ҳоли дейлаётган амфибияларнинг 41 фоизи ҳам иссиқ шароитга мослаша олмайди. Умуман олганда, шу кетишда «Қизил китоб»га киритилган ўсимлик ва ҳайвон туридан 17000 таси йўқолиб кетиши ҳақидаги фикрлар жуда ўринлидир. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунгача мавжуд 1,8 миллион ҳайвон ва паррандаларнинг фақат 2,7 фоизигина тўлиқ тадқиқ қилинган, холос. Ана шу биргина рақамнинг ўзиёқ ҳали биз учун номаълум яна қанча муаммолар мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда «Қизил китоб»нинг сўнгги нашрида 34 мингга яқин ўсимлик тури йўқолиши қайд этилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу дунёдаги мавжуд флоранинг 12,5 фоизини ташкил этади. Шунингдек, китобга 5,5 турдаги ҳайвонлар ҳам киритилган бўлиб, шундан 3 мингтаси умуртқалилардан иборат.

Инсоният ҳатто ўзга сайёралар сир-асрорларини ҳам ўрганишга жиддий киришган бир даврда она-табиатимизга бундай бефарқ муносабат қандай пайдо бўлди? Табиат инъом этган бойликларни авайлаб асраш ўрнига уларни ёввойиларча талон-тарож қиляпмиз. Акс ҳолда, ноёб табиат оламига эга Галапагос бир вақтлар машҳур олим Чарльз Дарвинни илҳомлантирган ороллар ачинарли аҳволга тушиб қолармиди? Тинч океанининг машҳур архипелагидаги вазият жуда оғир. Балиқ ови ёввойи табиатга йил сайин жиддий зарар етказмоқда. Бундан 20



йил аввал расман Бутунжаҳон қўриқхонаси ҳимоясига олинган бўлса-да, оролларда эндиликда балиқ ови узун чўзилган ўрмонлар ичида олиб бориляпти. Шуниси ачинарлики, бу ерда нафақат балиқ, балки бошқа денгиз ҳайвонлари ҳамда қушлар ҳам овланаяпти. Экологлар Эквадор томонидан назорат қилинадиган оролнинг денгиз экотизими таназзулга юз тутиши мумкинлигини такрор ва такрор айтишларига қарамай, тартибсизликларга чек қўйилмаяпти. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, сайёҳларни ҳаммиша ўзига жалб қилиб келган денгиз шерла-

ри, дельфинлар, тошбақа, наҳанг, пингвин, альбатрос ва қушлар айнан инсон фаолиятининг қурбонига айланиши муқаррар. «Ушбу ҳолат атроф-муҳитни ҳалокатга келтириши аниқ», — дейди вазиятни чуқур таҳлил этган олим, Лондон трестининг Галапагос оролларини қўриқлаш бўйича бош директори Леонор Степич. Афсуски, табиат мувозанатининг бузилишига, биргина овчилик сабаб бўлаётгани йўқ. Ўрмонларнинг кесилиши, даштларнинг шудгор қилиниши, гидростанциялар қурилиши каби кўплаб бошқа сабаблар ҳам борки,

улар табиатнинг энг ақлли ва олий жонотлари ҳисобланмиш одамлар томонидан билвосита амалга оширилмоқда.

Табиий турларнинг йўқолиб кетиши қанчалар жиддий суръатда давом этаётганини билиш учун БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ўтган йил май ойидаги маърузасида келтириб ўтган рақамларга мурожаат қилишнинг ўзи кифоя. «Ер юзи аҳолиси икки баробар кўпаяётган бир вақтда ҳайвонлар сони уч баробар камайиб кетмоқда», — деганди ўшанда нуфузли халқаро ташкилот раҳбари. Энг оғир аҳвол эса Европанинг қишлоқ хўжалигига оид ҳудудидagi қушлар билан содир бўлмоқда. Кейинги пайтларда саноат ривожланиши натижасида уларнинг сони 40 фоиз камайиб кетган. Иқлим ўзгариши натижасида эса денгиз қушлари сони 44 фоизга қисқарган.

Айни шу маърузадан сўнг, 2010 йилнинг октябрь ойида Япониянинг Нагоя шаҳрида ташкил этилган навбатдаги конференцияда истиқболдаги 10 йил учун табиий турларни ҳимоя қилиш бўйича режа ишлаб чиқилган эди.

«Нагояда қабул қилинган табиий хилма-хиллик тўғрисидаги декларация тўғри йўл сари қатта қадам бўлди. Мазкур тадбир бутун дунё ҳамжамияти учун муҳим бўлган табиий хилма-хилликни асрашда муҳим аҳамият касб этади». Конференциянинг ижрочи қотиби Аҳмад Жуглафнинг ушбу гаплари умид уйғотди кишида.

Тан олиш керак: сўнгги пайтларда БМТ томонидан бир қатор конвенциялар қабул қилинди. Бироқ улар қўрилган натижаларни бермапти. Бош қотиб маърузасида таъкидланганидек, «Инсоният био хилма-хилликни сақлаш бўйича қўйилган вазифани урдасидан чиқа олмаяпти».

Сайёраимизда минг йиллардан бери хўжалик юритиб келаётган инсон вақти келиб тоза ҳаводан нафас олиш қийинлашадиган ёки бунинг умуман иложи қолмайдиган шароитга тушиб қолишни истамаслиги аниқ. Тоза сув истеъмол қилиб, ерда бирон-бир нарса етиштириш имконсиз бўладиган даврлар келишини эса тасаввур этишнинг ўзи даҳшатдир. Ана шу даҳшат юзга келишини кўпчилик пайқамаятгани эса янада даҳшатлироқдир.

Энди тамаки дорихонада сотилади

Исландияда тамаки маҳсулотларини дўконларда сотишни таъқиқлаш ҳақидаги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Буюк Британиянинг «Guardian» наشري хабарига кўра, ушбу ташаббус ҳукуматнинг яқин 10 йилликдаги режасининг бир қисми ҳисобланади. Лойиҳа муаллифлари тамаки нархи ҳам камида икки баробар кўтарилишини



No smoking

таъкидлашмоқда. Агар мазкур қонун қучга кирса, сигареталар фақат дорихоналарда 20 ёшдан ошган фуқароларгагина сотилади.

Эслатиб ўтамиз: шунга ўхшаш таъқиқлар дунёнинг кўплаб давлатларида амалга оширилмоқда. Хусусан, Бельгияда 1 июлдан бошлаб барча кафеларда чекишни таъқиқлаш ҳақидаги қонун қабул қилинди. Ушбу чора-тадбирларнинг муқобиллари Хитой, Испания, АҚШ ва бошқа бир қанча мамлакатларда ҳам қўлланиши мумкин.



«Теодор Эшерих» — ичак таёқчаси

Европага Мисрдан дуккакли ўсимликлар уруғини импорт қилиш таъқиқланди. Сўнгги маълумотларга қараганда, 49 киши ҳаётига зомин бўлган дуккакли маҳсулотлар уруғи айнан Шимолий Африкадан келтирилган экан.

Миср қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутасаддилари эса бу маълумотларни рад этмоқдалар. Уларнинг таъкидлашича, мамлакатда бундай ҳолат ҳали бирор марта ҳам учрамаган. «Теодор Эшерих» номи билан аталадиган ичак таёқчаси, яъни E.coli бактерияси дуккакли ўсимликлар таркибида кўпроқ учрайди. Уларнинг баъзилари безарар ҳисобланса-да, бироқ O157:H7 деб номланадиган тури овқатдан кучли заҳарланиш ҳолатини келтириб чиқариши аниқланган.

БМТни Сомали хавотирга солмоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Антонио Гутерес Сомалида содир бўлиши кутилаётган кескин вазият ҳақида огоҳлантирди. Унинг сўзларига кўра, Сомалида болаларга овқат етишмаяпти. Бу эса мамлакатда тасаввур қилиб бўлмас даражадаги гуманитар ҳалокатга олиб келиши мумкин. Ҳалокатнинг яна бир сабаби курғоқчилик, дея баҳоланмоқда. Устига-устак сиёсий бекарорлик туфайли мутахассисларга вазиятни назорат қилиш мураккаб бўлиб қолмоқда. Гутереснинг таъкидлашича, 14 ёшдаги ночор мигрантларнинг 50 фоизиди вазн етишмаслиги билан боғлиқ жиддий муаммолар бор.

Кибер жиноятчилар қўлга олинди



Италиялик полициячилар Anonymous хаккерлик гуруҳида иш олиб бораётганликда тахмин қилинган фуқаролар шахсини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Қайд этилишича, айни шу гуруҳ томонидан сўнгги пайтларда мамлакатдаги йирик компьютер базаларига «хужум» уюштирилган. Полициянинг кибержиноятлар билан курашиш бўлими хаккерлар етакчисини қўлга олган. 26 ёшли ушбу шахснинг тўлиқ исми-шарифи ҳозирча маълум қилинмаяпти. Интернет оламида эса у «Freu» номи билан машҳур. Махсус операцияда жами 36 нафар кибержиноятчи қўлга олинган. Эслатиб ўтамиз: Anonymous ўз «акцияларини» жорий йилнинг январь ойидан амалга ошира бошлаган. Улар, хусусан, Finmeccanica Италия почта хизмати, Unicredit банкининг интернет сайтларига ҳам «хужум» қилганлар.

«Sony» пешқадам



Маркетинг соҳасига ихтисослашган «Campaign Asia-Pacific» наشري томонидан тузилган Осиенинг энг қиммат брендлари рейтингига Япониянинг «Sony» компанияси биринчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, қитъамизнинг энг қиммат брендлари бешлигига электроника воситаларини ишлаб чиқарувчи яна тўртта компания, жумладан, Япониянинг «Panasonic» ва «Canon» ҳамда Жанубий Кореянинг LG ва «Samsung» компаниялари ҳам кирган. Ушбу рейтингни тузиш жараёнида маркетинг билан шуғулланувчи TNS компанияси томонидан ўтказилган сўровда Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Гонгконг, Малайзия, Сингапур, Тайван, Жанубий Корея ва Тайланддан жами 3 300 дан ортиқ киши иштирок этган.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

«Саккизлик»ка кирдик, навбат — «Лондон-2012»га

Истиклол йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилдики, натижада дунёда ўзбек спортчилари ҳам эътироф этила бошланди

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»



Айниқса, кураш, бокс, енгил атлетикада кўлга киритилган ютуқлар Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Спортчиларнинг халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани боис бугунга келиб, гоҳ у, гоҳ бу терма жамоамиз аъзоларининг дунё миқёсидаги ютуқларига гувоҳ бўлаёلمиз.

Хусусан, айти пайтда ўсмирларимизнинг жаҳон чемпионатида қайд этган ажойиб натижаларидан кейин ўзбек футбол мухлислари эътибори олимпия терма жамоасига қаратилди, десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, бугун Осие Футбол конфедерацияси қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида 2012 йилги Олимпия ўйинлари саралаш баҳсларининг навбатдаги босқичига қуръа ташланди.

Таъкидлаш жоиз: унда иккинчи босқичдан муваффақиятли ўтган 12 та жамоа учта гуруҳга бўлинади. Маълумотларга кўра, термаларни гуруҳларга жойлаш жараёни «саватча»лар орқали амалга оширилади. Бошқача айтганда, рейтингдаги ўринларига

мувофиқ «учлик»ларга бўлинган нисбатан бир хил кучдаги жамоалар бошқа «саватча»лардаги рақибларга рўбарў бўладилар. «Учлик»лар эса қуйидаги кўринишга эга: 1-«саватча» — Жанубий Корея, Австралия, Япония, 2-«саватча» — Ироқ, Бах-

райн, Қатар, 3-«саватча» — Саудия Арабистони, Сурия, Ўзбекистон, 4-«саватча» — Уммон, БАА, Малайзия. Қуръа орқали бўлиб чиқилган терма жамоаларнинг ўз гуруҳларида биринчи поғоналарни банд этганлари тўғри-

дан-тўғри Олимпия ўйинларига йўл оладилар, «иккинчилар» эса ўзaro беллашиб, қолган сўнги лицензия тақдирини ҳал қиладилар. Учинчи босқич учрашувлари жорий йилнинг сентябрида бошланиб, 2012 йил мартига қадар давом этади.

«Самарқанд» МДХда биринчи

21 та мамлакатнинг 250 га яқин авиакомпанияларини бирлаштирувчи «Аэропорт» Фуқаролик авиацияси ассоциацияси томонидан ўтказилган кўрик-танлов натижаларига кўра, Самарқанд халқаро аэропорти 2010 йил яқунлари бўйича «МДХ аэропортлари орасида юқори суръатда ривожланаётган энг яхши ҳаво бандаргоҳи» номинациясида голиб деб топилди. Бундан аввал ҳам турли танловларда иштирок этиб, бош совринларга сазовор бўлган «Самарқанд» халқаро аэропорти айти пайтда барча турдаги самолётларни қабул қилиб, соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.



Урганчдаги «улоқ» кимга насиб этади? Тадбиркоргами ёки банкка?

2011 йил охирига қадар Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий кўчаси ёқасида 4 та замонавий меҳмонхона барпо этиладиган бўлди

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раҳбарияти Урганчда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувда маҳаллий компанияларни Хоразмда сайёҳлик секторини молиялаш жараёнида фаол иштирок этишга чақирди.

— Хоразм қадамжолари аввалдан дунё халқларини ўзига жалб этиб келган. «Очик осмон остидаги музей» — Хивани кўриш, Ичан-Қальанинг салобатидан баҳра олиш, дунёда тенги йўқ ёзма ёдгорлик, зардуштийларнинг муқаддас китоби — «Авесто» яратилган тупроққа қадам қўйишга ошuftа сайёҳлар сони ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта, — дейди «Ўзбектуризм» МК матбуот котиби Феруза Ақобирова. — Аммо сайёҳлик мавсуми авжга чиққан пайтда жойларда замонавий меҳмонхоналарнинг етишмаслиги бу борадаги кўрсаткичларни яхшилашга ҳалақит бериши мумкин. Шу боис жорий йил охирига қадар Урганчнинг Ал-Хоразмий кўчасида у даражада катта бўлмаса-да, хорижликларнинг мароқли дам олишини таъминлайдиган, ҳар хил меъморчилик услубдаги 4 та меҳмонхона барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Энг аҳамиятлиси, учрашувда ана шу лойиҳаларни молиялашни мақсад қилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан саккизта таклиф тушди. Бундан ташқари, бир қатор тижорат банклари ҳам меҳмонхоналар қурилиши учун маблағ ажратишга тайёр эканини маълум қилдилар.



Энди солиқларни SMS орқали тўлайверасиз

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайтида хабар қилинишича, 2011 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизнинг барча тижорат банклари орқали жисмоний шахсларга «SMS-To'lov» интерактив хизматини кўрсатиш жорий этилади. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида муваффақиятли синавдан ўтказилган ушбу тизим орқали солиқ тўловчи интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда мобил илова ёрдамида бир неча сония ичида турли товар ва хизматлар учун, шунингдек, солиқ ва ажратмаларни тўлаш имкониятига эга бўлади. — «SMS-To'lov» тизимига улашиш учун мижоз унга хизмат кўрсатаётган, яъни пластик карточкаси мавжуд бўлган ёки депозит ҳисоб вақфи очилган тижорат банкида рўйхатдан ўтиб, янги усул қоидаларини ўрганиб олса кифоя, — дейди ДСҚ Ахборот-технология таъминоти бошқармаси бошлиғи Ҳотамбек Шокиров.



105 та оила мустақиллик байрамини янги уйларда кутиб олади

2010 йилда Бухоро вилоятида 540 та замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 575 тага етказилади.

Бухоро туманидаги «Кўлба» аҳоли истиқомат масканида ҳам 70 та оила янги уйларга кўчиб ўтган эди. Айти пайтда туманининг бир йўла 7 та ҳудудида 105 та янги уй қуриляпти. «Кўчкўмар» қишлоғида қад ростлаётган янги мавзеда савдо мажмуаси, «Работи қалмоқ» қишлоғида эса умумтаълим мактаби бунёд этиляпти.

Соҳа мутасаддилари мазкур иншоотлар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилишини таъкидламоқдалар. Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.

Энди «Автоойна» жарима тўлайди

Автомобиль ойналари ишлаб чиқарувчи ягона корхона — Фарғона вилоятидаги «Автоойна» ОАЖнинг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунда белгиланган меъёрларни бузаётгани маълум бўлди. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, мазкур корхона шартномаларга харидорлар манфаатини чеклайдиган бандларни қўйиш, шунингдек, маҳсулот нархини сунъий равишда ошириш натижасида 148,4 млн. сўм миқдоридан асоссиз даромад олган.

Фермернинг байрам совғаси

Фузор туманидаги «Истиклол» фермер хўжалиги қошида мевани қайта ишлайдиган цех барпо этилмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириладиган мазкур корхонада бир кеча-кундузда 6 тонна мева қайта ишланади. Энг муҳими, цех ишга туширилгач, 20 нафар киши иш билан таъминланади.

Қонун қуруқ сўзларга ишонмайди

Сирғалидаги хонадонлардан бирида 95,5 миллион сўмлик аёллар кийим-кечаклари сақланаётгани маълум бўлди. Авляев эса 306 миллионни мўлжаллаган экан...

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, бозорларимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаётган фуқароларнинг эмин-эркин фаолият олиб боришлари учун етарлича шароит ва ҳуқуқий замин яратилган. Аммо улар орасида ички бозорларни яроқсиз маҳсулотлар билан тўлдириб «хисса қўшаётган»лар ҳам, афсуски, учрамоқда.

Жумладан, фарғоналик божхоначилар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Фарғона туманида яшовчи В.Усмонов хонадонни кўздан кечиришганда, айланма йўллар орқали юртимизга олиб қилинган 11 турдаги 15 млн. сўмликдан зиёд товар-моддий бойликлар яширинча сақланаётганини аниқладилар. Худди шундай пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги хонадонлардан бирида фуқаро А.Мухамедовага тегишли 95,5 миллион сўмлик аёллар кийим-кечаклари сақланаётгани маълум бўлди.

«Хўжадавлат» темир йўл божхона постида Бирлашган Араб Амирликларидан келтирилган контейнерлардан бири кўриқдан ўтказилганида, юк қу-

затув ҳужжатларида қайд этилмаган 159 турдаги маиший техника буюмлари, хўжалик ва парфюмерия маҳсулотлари борлиги аниқланди. Самарқандлик Я.Авляевга тегишли мазкур товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати салкам 306 млн. сўмга баҳоланди.

Фуқаро Р.Далимов ҳам Шаржадан қайтаётганида пойтахтимиз аэропортида бироз «ушланиб» қолди. Сабаби, унинг салкам 8,6 млн. сўмлик «сотка»лари божхона баённомасида қайд этилмаган экан. «Нексия» русумли автомобиль назоратдан ўтказилганида эса самарқандлик И.Жалилов ва А.Расуловга тегишли 28 млн. сўмлик уяли телефонлар ноқонуний олиб ўтиляётгани маълум бўлди.

Умуман олганда, жорий йилнинг биринчи ярми давомида божхоначилар томонидан 16,4 мингга яқин қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 67,4 млрд. сўмлик товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетаси
2011 йилга
обуна давом этмоқда
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBLARMONLAR
HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадов Ф. ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бақтиёр ЯКУБОВ, Баҳдир ҲАНВЕР, Зиндулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳаммад АҚРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат СРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қўям НАЗАРОВ, ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Мирқас ЮСУПОВ, Зуррад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темир АБДУРАХМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродия АБДУРАХМОНОВА МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖУРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибнинг — 281-40-17 (телефон/факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxborot ва таълим, катталар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қўлхона: 215-63-80 (телефон/факс).
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
© XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НММУ босмақонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: 1 2207. Тираж: 10 236
Баҳоли келишилган нархда
Топширилди — 0000
ISSN 2161-477X
1 772 261 477 007 1
Набатчилад: ТАБДУРАХМОНОВ, С.ЗОИРОВ.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406